

ЖАМЎ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



1998 йил 18 сентябрь
жума
Сотувда эркин нархда
№ 187 (1968)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

МАЖМУА ҚУРИЛИШИ НИХОЯСИГА ЕТМОҚДА

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ, шу йилнинг октябры ойида мамлакатимизда буюк аллома имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллиги кенг нишонланади. Муборак кунлар яқинлашгани сари унга ҳозирлик ҳам қизмоқда. Юбилей тантаналарининг асосий қисми ўтадиган Чекатуманидаги Хартанг қишлоғида улкан бунёдкорлик ишлари авж олган. Бу ерда миллий мезморчилик анъаналаримизни акс эттирган қошоналардан иборат Ёдгорлик мажмуасини бунёд этиш поёнига етказилмоқда.

Республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари, юбилейга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита раиси Исмоил Жўрабеков бошчилигидаги ишчи гуруҳи бу ерда олиб борилаётган кенг қўламадаги ишлар билан танишди.

Таъкидлаш жоизки, мажмуани бунёд этишда мамлакатимизнинг барча вилоятларидан келган зўк усталар ва мутахассислар филокорона меҳнат қилишади. Уларнинг юксак маҳорати туфайли мажмуа иншоотлари, айвонлар, пештоқ, равоқ ва гumbазлар ҳақиқий мезморчилик мўъжизасига айланган. Бинобарин, бу қадам-жо бутун мусулмон оламида энг табаррук зиёратгоҳлардан бири бўлиб қолиши шубҳасиздир.

Йилгилишда мажмуа қурилишида йўл қўйилган айрим нуқсон ва камчиликларга эътибор қаратилиб, уларни тез кунда бари-барга етиш юзасидан тегишли мутасадди раҳбарларга аниқ топшириқ ва курсатмалар берилди.

Йилгилишда вилоят ҳокими Алишер Мардиев қатнашди.

Ҳамза ШУКУРОВ,
ЎА мухбири.



ЮРТИМИЗНИНГ БИД КЎНИ

ТОЛА — ХОРИЖГА

Яккабоғ пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти янги ҳосилни қайта ишлашга киришди. Яқинда қорхонага «УП-1» ускунаси ўрнатилган, унумдорлик ошди. Маҳсулот сифатини яхшилади. Тоза молнинг харидори кўчада деталаридек, бу йилги пахтадан олинган 100 тонна тола Англия ва Жанубий Корея мамлакатлари олиб кетишди. Ҳиссадорлар бу йил 30 минг тонна маҳсулот тайёрлашни режалаштирган.

УСКУНАДА ГАП КЎП

Қирчилама қишда ёки баҳорда анжирли мураббо, шарбат истеъмол қилганимиз? Йўқса, бир кўринг. Хурсанд бўласиз. Айни кунларда Тойлоқ консерва заводи ана шундай тотли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Польшадан харид қилинган ускуна универсал экан. Мурабботи бурсангиз бас, хоҳлаган маҳсулотингизни — қиём дейсизми, шарбат дейсизми, тайёрлаб беради. Ҳиссадорлар янги мездан 1620 тонна ноз-неъмат ишлаб чиқариб, савдо тармоқларига жўнатишди.

АМАЛ ҚИЛГАН КАМ БЎЛМАЙДИ

Чикитсиз технология — бозор иқтисодининг асосий шартларидан бири. Амак қилган кам бўлмайди. Пойтахтдаги «Асбоб-соз» қорхонаси мутахассислари кераксиз балонлардан «Совлеститал» ишлаб чиқараётган санитария тутиларини учун гилдираклар тайёрлаб берапти. Конвейер тўхтовсиз ишламоқда. Буюртма удаланапти. Мухими — хомаш ё бисёр.

БЕРДАҚ ЗИЁРАТГОҲИ

Бу йил республикамиз жамоатчилиги қорақалпоқ халқининг улуғ шоири Бердақ таваллудининг 170 йиллигини кенг нишонлади. Ҳозир юбилейга тайёргарлик қизгин. Айниқса, Қорақалпоғистонда адб асарларини нашр қилиш, кўргазмалар ташкил этиш, илмий конференциялар ўтказиш сингари тадбирлар тез-тез бўлиб турибди. Яқинда ана бир янгилик — Қорақалпоғистонда шоирга зиёратгоҳ қурилади бўлди. У миллий услубда, нақшкор гумбазли бўлиб, чор гирдида миноралар қад кўтарилди.

«ОИЛА ЙИЛИ» МУНОСАБАТИ БИЛАН

Республика таълим марказида «Оила йили» бағишланган семинар бўлиб ўтди. Унда вилоятлардан, узоқ хориздан таширф буюрган меҳмонлар иштирок этишди. ЮНЕСКОнинг Франциядаги котиби В. Буш Ўзбекистон ҳукумати ҳар бир оилага катта аҳамият бераётганини алоҳида таъкидлади. Иштирокчилар семинар сўнггида пойтахтдаги мактабларда бўлиб, у ердаги таълим тарбия жараёнлари билан танишдилар.


УРУФ ЕРГА ТУШДИ

Бука туманидаги «Туркистон» жамоа ҳужалиги дехқонлари кузги буюд оғишнинг бошлаб юбордилар. Эртаги экинлардан бўшган майдонларини шугорлади, озик-лангирини қўйишганди. Икки кунда 30 гектардан зиёд майдонга сара уруғ тушди. Улар мавсумини бир ҳафтага қолмай яқунлаш ниятида. Хўжалик галларларини келтириш йили ана шу пайкаларнинг гектаридан 45-50 центнердан дон қўришни режалаштиришапти.

ТЕННИС ТУРНИРИ — ПОЧТА МАРКАСИДА

«Ўзбекистон маркаси» очик турдаги ҳиссадорлик жамияти теннис бўйича Президент Кубоги халқаро турнирига бағишланган маркази муомалага чиқарди. Уларнинг илгарии йилларда чиқарган спортга оид почта миниатюрлари ҳам оммалашиб кетганди. Почта маркаси билан бир вақтда Тошкентдаги «Давлат белгиси» фабрикасида нашр этилган почта қарточкаси барча филателия ишқибозларини хурсанд этадиган бўлди.

Хабарларни «Жамъ сўзи» мухбири Исмоил ТОШЕВ тайёрлади.



ЎЗБЕКИСТОН-ИСРОИЛ: ИҚТИСОДИЁТ — ҲАМКОРЛИКНИНГ БОШ ОМИЛИ

Ўзбекистон Президенти Исроил Каримовнинг Исроилга давлат таширифи ниҳоясига етди. Мамлакатимиз раҳбари сафардан қайта туриб таъкидлаганидек, таширфдан қўланган асосий мақсадларга эришилди.

Хўш, таширфдан муддао нима эди? Аввало, мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ҳамкорлик сарҳадларини янада кенгайтириш ва бунинг учун зарур ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлаш. Исроил Давлатининг бутунги иқтисодий тараққиёти, ақлий салоҳияти, юксак технологияси, илмий-техникавий ютуқлари ҳақиқатан ҳам катта эътиборга молик. Шу боис ҳам Исроил билан иқтисодий ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш бизга фойдалидир.

Ушбу сафар мамлакатимиз раҳбарининг Исроилга илк таширфидир. Айни шу сабаб таширфнинг яна бир моҳияти кўринади: бу Исроилнинг Ўзбекистонга муносабатини яқинлаштириш, унинг юртимизга қизиқшини рабатлантириш.

Ҳамкорлигимизнинг асоси — иқтисодиёт билан боғлиқ масалалар ҳақида тўхталишдан олдин бир гапни айтиб ўтиш лозим: Исроил Каримовнинг Исроил Давлати таширфи мамлакат сийёси доиралари томонидан ҳам, кенг жамоатчилик тарафидан ҳам қизгин қаршиланди. Исроил Президенти Эер Вейцманнинг қароргоҳида бўлиб ўтган давлатимиз раҳбарини расмий кутиб олиш маросимида мамлакат Бош вазир Бенямин Нетаняху ҳам иштирок этгани бунинг далилларидан биридир. Чунки, одатда бундай маросимларда Бош вазир иштирок этмасди.

Исроил оммавий ахборот воситаларида маъруз таширф кенг ёритилди. Бу ерда чиқадиган «Хабарлар», «Вақт» ва бошқа маҳаллий газеталарда Ўзбекистон, Президент Исроил Каримов ҳақида, юртимиз иқтисодиёти, унинг халқаро муносабатлардаги ўрни тобора мустаҳкамланиб бораётгани тўғрисида кўплаб мақолалар босилди.

Юқорида айтилганидек, таширфдан қўланган бош мақсад — ўзаро ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш. Таширфнинг иккинчи кунда икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралида асосий эътибор ҳам айни шу масалага қаратилди. Музокаралар якунида ушбу мақсадга хизмат қилувчи муҳим ҳужжатлар имзоланди. Жумладан, Президент Исроил Каримов ҳамда Бош вазир Бенямин Нетаняху мамлакатларимиз ҳукуматлари ўртасида икки томонлама солиқ соҳасида, даромад ва капиталга солиқ тўлашдан бўйин товлашнинг олдини олиш, шунингдек, ўзаро савдо ва иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги Битимларга имзо чекди. Қолаверса, икки давлат ўртасида атраф муҳитни муҳофаза қилишда ҳамкорлик, қишлоқ ҳўжалиги соҳасида ҳамкорлик қилиш, ўзаро техника ҳамкорлик, солиқ ҳамда солиқнинг сақлаш соҳаларида ҳамкорлик қилиш, Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки билан Исроилнинг ташқи савдо сурғурта корпорацияси «ИФТРИК» ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар имзоланди. Буларни бирма-бир изохлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Улар қандай аҳамиятга эга эканини ҳужжатларнинг



номларидан ҳам англаб олиш қийин эмас. Энг муҳими, шундай кенг қамровли ҳужжатлар имзоланганининг ўзидек таширфнинг самарали бўлганини айтиб турилади.

Музокарадан сўнггида бўлиб ўтган матбуот анжуманида мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон билан Исроил иқтисодиётида бир-бирини тўлдирувчи омиллар талайгина эканини таъкидлади. Яъники, табиий ресурсларимиздан унумли фойдаланиш учун бизга замонавий технология қишлоқ ҳўжалиги, чорвачилик, дехқончилик, уруғчилик, озик-овқат ва паррандачилик каби йўналишларда катта фойда келтирадиган минитехнологиясига бизда эҳтиёж бор. Бу эса ўз навбатида Ўзбекистон, қолаверса Марказий Осиё бозорига Исроилнинг фаол иштирок этиши учун шарт яратди. Телекоммуникация ва фармацевтика соҳалари ҳам ўзаро ҳамкорлигимизда истиқболли йўналишлардан саналади.

Икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликда бизнинг қизиқилишимиз нима-ларда кўринади? Биламизки, Исроил қишлоқ ҳўжалиги тараққиёт этган мамлакат. Сув танқис, бошдан оёғи тоғу тош ва бийдай даладан иборат заминда пахтачилик, уруғчилик, чорвачилик, дехқончилик бўйича кўлга қиритилаётган ютуқлар кишини мулоҳазага қорлайди. Мамлакатда 5,6 миллион аҳоли истиқомат қилади. Унинг меҳнатга яроқли қисми эса 40-42 фоизни ташкил этиб, шундан атиги уч фоизинга қишлоқ ҳўжалиги билан банд. Ана шу уч фоиз одам бутун мамлакатни қишлоқ ҳўжалик маҳсулотини таъминлаётганина қолмасдан, ўз маҳсулотини четта экспорт ҳам қилади. Ўз-ўзидан аёниқ, ҳаммасининг сирини технологияда, мавжуд имкониятдан оқилонга фойдалана билишда.

Таширф чоғида Исроил Каримов Исроилдаги «Зераим Гелера» номи илмий ишлаб чиқариш ва янги навлар яратиш мажмуи билан яқиндан танишганининг боиси ҳам шундай. Негаки, «Зераим Гелера» пахтачилик, уруғчилик ва бошқа йўналишлар бўйича ўз технологияси билан ном чиқарган. Дарвоқе, бу фирма бизга яқин таниш. «Зераим Гелера», «Хазера» фирмаларининг бундай уруғи ҳамда пахта навларининг айримлари Ўзбекистон шартларида синая қўрилади.

Исроил Каримов бу ердаги тажриба участкасида доктор Ю. Пинхасов устиратган пахта навлари билан қизиқди. Му-

бир пахтачилик технологиясининг тўла комплекси, иккинчиси — турлича шариоатда чигитни синая қўриш билан боғлиқ. Пахтачилик технологиясининг тўла комплекси дегани нави ташлашдан тортиб то пахтани йиғиштириб олганга қадар қилинадиган ишларни англатади. Иккинчи лойиҳа Ўз-ўзидан тушунарли. Исроил Каримов ирригация ва точи-латиб сугориш, чорвачилик, уруғчилик, паррандачилик каби соҳалар бўйича ташкил этилган кичик кўргазмани томоша қилди. Давлатимиз раҳбари Исроил минитехнологиялари ни Ўзбекистонда қўлаш, ўзаро ҳамкорлик учун зарур омиллар ҳақида гапирар экан, жумладан, шундай деди:

— Бу технологияларни бизда қўлаш учун нималар керак? Аввало, биз Исроилга таширфимиз чоғида бунинг учун зарур ҳуқуқий замин яратдик. Кафолат керак ва биз бу кафолатни бера оламиз. Ўзаро ишонч керек. Уйлайманки, ўзаро ишончмиз илгарии ҳам мустаҳкам, у бутун янгилаш шакл касб этапти. Исроил кўлга қиритилган натижаларга биз ҳам эришмоғимиз керак.

Ўзбекистон Исроил билан самолётсозлик соҳасида ҳам икки томонлама манфаатли ҳамкорлик қилиши мумкин. Ўзбекистон жаҳоннинг йirik самолётсозлик компаниялари бўлиши «Бонинг», «Европа Эйрбас Индастриз» билан мустаҳкам алоқа ўрнатган. Ўз навбатида Исроил самолётсозлик заводи — «Исроил Эйркрафт Индастриз ЛТД» корпорацияси ҳам жаҳонда ўз нуфузига эга. Унда фуқаро авиацияси учун ҳамда ҳарбий соҳалар бўйича самолётлар, уларнинг эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқарилади. Қолаверса, заводнинг электроника соҳасидаги фаолияти ҳам эътиборга молик. Унинг 1988 йилги савдоси 2 миллиард АҚШ долларини миқдорига баҳоланаптир. Бу ҳазилкам кўрсаткич эмас. Маъруз завод-

га таширфи чоғида Исроил Каримов завод раҳбари Моше Керет билан ўзаро ҳамкорлик қилиш тўғрисида фикр алмашди. Ўзаро ҳамкорлик имкониятларини ўрганиш бўйича кўшма гуруҳ тузиш тўғрисидаги таклифни мамлакатимиз раҳбари қўлаб-қувватлади.

Мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорлиқни ривожлантиришнинг бош омили иқтисодиёт экан, унда ишбилармонлар асосий ўринни эгаллайди. Шу боис, Исроил Каримов хорижга сафарлари чоғида тадбиркорлар билан учрашиб, уларнинг сузларини жон қўлоғи билан тинглади, уларга Ўзбекистонда бизнес қилиш учун мавжуд имкониятлар ҳақида кенгроқ гапириб беришга алоҳида эътибор қаратади. «Шоҳ Довуд» меҳмонхонасида Исроилдаги ишбилармон доиралар вакиллари билан бўлиб ўтган учрашув таширфнинг муҳим воқеаларидан бири бўлди. Бу учрашув исроиллик ишбилармонлар Ўзбекистонга қанчалик катта қизиқиб билан қараётганини яна бир қарра тасдиқлади. Учрашувда мамлакатдаги 100 дан ошдиқ фирма ва қорхона вакиллари иштирок этиди. Исроил Каримов журналистлар билан мулоқотда учрашувнинг муҳим бир жиҳати ҳақида тўхталар экан, унда қатнашган фирма вакилларининг дегарли барчаси кичик ва ўрта бизнес одамлари эканига эътиборни қаратади.

Хўш, бунинг биз учун муҳимлиги нимада? Биламизки, бутун мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга катта эътибор қаратилаяпти. Бу нафақат иқтисодий, балки сийёсий характерга эга. Келажакда мамлакатимизда жамиятнинг бош буғинини айнан кичик ва ўрта тадбиркорлар эгаллаши керак. Улар жамиятда мулкчиликни шакллантириши, ўрта мулкдорлар синфини яратмоғи даркор. Ўрта мулкдорлар қатлами эртанги Ўзбекистоннинг эгаси бўлиши керак. Шу маънода, кичик ва ўрта тадбиркорлиқни ривожлантириш бўйича Исроил тажрибаси бизга қўл келиши табиий. Негаки, бу борда дунёда Исроилга тенг келадигани йўқ. Ҳозир Исроилдаги кичик ва ўрта тадбиркорларнинг йиллик экспорти 25-26 миллиард АҚШ долларини ташкил этар экан.

Мамлакатимиз раҳбари учрашувда Ўзбекистонда хорижлик ишбилармонлар учун яратилган қўлай шарт-шароит, бизнес қилиш имкониятлари, ўзаро ҳамкорлиқнинг истиқболли йўналишлари ҳақида гапирди. Бутун Ўзбекистонда 3600

Фарҳод АРЗИЕВ,
ЎА махсус мухбири,
Тошкент-Қуддус-Тошкент.
СУРАТЛАРДА:
мамлакатимиз раҳбарининг исроилликлар билан учрашувларидан лавҳалар.
Р. ЖУМАНИЕВ (ЎА) олган суратлар.



Дилором ОМОНУЛЛАЕВА:

САБРСИЗЛИК БИЛАН КУТАЯПМАН

Замонавий симфоник музиканинг энг машҳур ижрочилари, ижодкорлари билан танишиш, ижодий мулоқот қилиш имкониятига эга бўламиз. Қўшни республикалардан бир неча ҳамкасб дустларимиз, Толиб Шоҳидий, Аъзам Салиев, Дамир Дустмухаммедов, Аслидан Нусиновлар келди. Улар билан яна илдирлашнинг бахти мушарраф бўламиз.

Фестивалнинг бошланганини ораник кутаяпман. Ушбу анжуманининг барча ижодкорлар, ижрочилар ва мухлислар ҳақида, ижодади ёрқин саҳифа бўлиб қолиши аниқ. Қўнанд-қўн кўркамлашнинг бораётган гузал пойтахтимиз эса симфоник музиканинг юрагига айланди.

Абдурахмон ЖўРА
ёзиб олди.

Мамлакатимизнинг 22-27 сентябрь кунлари мамлакатимизда илк бор халқаро симфоник музика фестивали бўлиб ўтди. Ушбу анжуманининг ўтказилиши композиторларимиз учун ўзига хос синов бўлиши шубҳасиз.

— Албатта, бундай нуфузли тадбир мамлакатимизда биринчи бор ўтказилмоқда. Юртимизда симфоник музиканинг мухлислари, илхос-мандилари кўп. Ўзбекистонимизнинг дунёга тақдим эта-

диган музика асарлари, санъаткорлари бор. Ушбу анжуманининг ўтказилиши мамлакатимиз Президентининг санъатта ва лемакка, маънавиятга жуда катта эътибор бериётганининг яна бир исботидир.

— Фестивалда сизнинг асарларингиз ҳам ингайдими?

— Анжуманда II жаҳон урушида ҳалок бўлган юртдошларимизнинг хотирасига бағишланган «Қалб хотираси» номи асарим ижро этилди. Фортепиано учун ёзилган 5 қисмдан иборат «Самарқанд манзараси», «Помир эскизлари» номили музика асарларим ҳам мухлислар эътиборига ҳавола этилди.

— Ушбу фестивал ҳаётингизда, ижодингизда қандай роль ўйнайди?

— Бу анжуман нафақат менинг, балки барча қатнашчиларнинг ҳаётини муҳим воқеа бўлиши шубҳасиз.

Фестивал яратилган ва яратилаётган асарларимизнинг даражасини дунё билан бўйлашши имконини беради.

Жаҳон симфоник музикаси оламидаги янгиликлардан боҳарам бўламиз. Ва энг хўшкеладигани — яратган асарларимиз оранги Ўзбекистонимизни дунёга танитаман.

Япон олимпиада дипломи топирилади

Ўзбекистон Бадий академиясининг жаҳон маданияти санъатининг машҳур намоёндалари билан алоқалари тобора ривожланимоқда. Ҳозирдаёқ академиянинг хориждаги аъзолари ўн нафардан ортиди. Шундан бири Япониянинг таниқли тадқиқотчи олими, мусаввир Икуо Хираямадир.

Токио университетининг профессори Икуо Хираяма асарлари нафақат Япония, балки Эрон, Туркия, Сурия, Греция, Хитой каби жаҳоннинг унлаб мамлакатлари кўргазмаларида намойиш этилган. Айни вақтда у «Буюк Ипак йўли» мамлакатлари санъати тарихини ўрганиш билан ҳам шугулланади.

Ўзбекистон Бадий академиясида олимпиада академиянинг хорижий аъзоси дипломинини топириш маросими бўлди. Дипломни академия раиси Турсунали Қўзиёев топириди.

Маросимда Япониянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Коучи Обата қатнашди.

(ЎА)

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ Автомобиль транспорти тўғрисида

1-модда. Мазкур Қонуннинг мақсади

Мазкур Қонуннинг мақсади Ўзбекистон Республикасида автомобиль транспорти фаолиятининг ҳуқуқий асосларини шакллантиришдан иборатдир.

2-модда. Асосий тушунчалар

Мазкур Қонунда куйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

автомобиль транспорти — таркибига юридик ва жисмоний шахслар кирувчи, иқтисодий ва аҳолининг йўловчилар, бағаж ва юкларни, шу жумладан почтани (бундан кейин — йўловчилар, бағаж ва юклар деб юритилади) автомобилда ташишга бўлган эҳтиёжларини таъминловчи ишлаб чиқариш-технология мажмуи;

автотранспорт воситалари — йўловчилар, бағаж, юклар ташишга ҳамда махсус ишларни бажаришга мўлжалланган автомобиллар, шатакчи автомобильлар, тиркама ва ярим тиркамалар;

ташувчи — мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқлар асосида автотранспорт воситасига эга бўлган, тижорат асосида йўловчилар, бағаж, юклар ташиш хизматини кўрсатишга ҳамда бунга махсус рухсатнома (лицензия) бўлган юридик ёки жисмоний шахс;

мижоз (йўловчи, юк олувчи, юк жўнатувчи) — тузилган шартномага мувофиқ ташувчининг хизматларидан фойдаланувчи юридик ёки жисмоний шахс.

3-модда. Автомобиль транспорти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Автомобиль транспорти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонундан ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Қорақалпоғистон Республикасида автомобиль транспорти соҳасидаги муносабатлар Қорақалпоғистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

Шаҳар йўловчиларини ташиш соҳасидаги муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг "Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисида"ги Қонуни билан ҳам тартибга солинади.

Йўловчилар, бағаж ва юклар ташиш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш қондалари Ўзбекистон Республикасининг Вазири Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг автомобиль транспорти тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилгандан бошқача қондалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қондалари қўлланади.

4-модда. Автомобиль транспортининг мулк шакллари

Ўзбекистон Республикасида автомобиль транспорти хусусий ва оммавий мулк асосида фаолият кўрсатиши мумкин. Автомобиль транспортининг барча мулкдорлари тенг ҳуқуқларга эгадирлар ва қонун ҳимоясидан баб-баравар фойдаланалар.

5-модда. Автомобиль транспорти ерлари

Автомобиль транспорти фаолиятини таъминлаш учун ерлар ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда доимий фойдаланишга бериллади.

6-модда. Автотранспорт воситаларини таснифлаш

Автотранспорт воситалари йўловчилар автотранспорти, юк автотранспорти ва махсус автотранспорт воситаларига бўлинади.

Йўловчилар автотранспорти воситалари жумласига автобуслар, микроавтобуслар, енгил автомобиллар, йўловчилар ташиладиган тиркамалар ва ярим тиркамалар кирди.

Юк автотранспорти воситалари жумласига юк автомобиллари, шатакчи автомобиллар, тиркамалар ва ярим тиркамалар (ўт ўчириш автомобиллари, компрессор курилмали автомобиллар, автокранлар, супуриш-сидириш ҳамда чиқинди ташиш автомобиллари ва ҳоказолар) кирди.

7-модда. Автомобилда ташиш турлари

Автомобилда ташишлар шаҳардаги, шаҳар атрофидаги, шаҳарлараро ва халқаро ташишга бўлинади.

Шаҳардаги ташишлар жумласига шаҳар ёки шаҳар посёлкаси чегаралари доирасида амалга ошириладиган ташишлар кирди.

Шаҳар атрофидаги ташишлар жумласига шаҳар ёки шаҳар посёлкаси чегаралари доирасидан элик километрга ташқарида амалга ошириладиган ташишлар кирди.

Шаҳарлараро ташишлар жумласига шаҳар ёки шаҳар посёлкаси чегаралари доирасидан элик километрдан ошқан масофада амалга ошириладиган ташишлар, шунингдек йўналиш масофасидан қатъи назар Ўзе-

бекистон Республикасининг икки ёки ундан ортқ вилояти ҳудудида амалга ошириладиган ташишлар кирди.

Халқаро ташишлар жумласига йўналиш масофасидан қатъи назар Ўзбекистон Республикаси давлат чегарасидан ташқарида ёки давлат чегараси ташқарисидан амалга ошириладиган ташишлар кирди.

8-модда. Йўловчилар, бағаж ва юкларни халқаро ташиш

Йўловчилар, бағаж ва юкларни автомобильда халқаро ташишлар, шу жумладан транзит ташишлар халқаро ҳамда транзит алоқа учун очик автомобиль йўллари орқали Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига ва халқаро шартномаларига мувофиқ амалга оширилади.

9-модда. Автомобиль транспорти фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш ва бошқариш

Автомобиль транспорти фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш сертификатлаш, лицензиялаш, солиқ солиш, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ташишлар учун тарифларни шакллантириш, ягона илмий-техника сиёсатини ўтказиш йўли билан, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа шаклларда амалга оширилади.

Автомобиль транспортнинг давлат бошқаруви Ўзбекистон Республикасининг Вазири Маҳкамаси автомобиль транспорти бошқаруви бўйича ваколат берган давлат органи томонидан, шунингдек давлат ҳокимияти маҳаллий органи томонидан амалга оширилади.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органи таъинловчи ҳужжалик фаолиятга аралашушга, шунингдек уларнинг эксплуатация хизмати ходимларини бошқа ишларга жалб этишга ҳақиқ эмас, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

10-модда. Автомобиль транспорти бошқарувчи давлат органининг асосий ваколатлари

Автомобиль транспорти бошқарувчи давлат органининг асосий ваколатлари куйидагилардан иборат:

автомобилда ташишларни ташкил этиш ва такомиллаштиришга доир норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

автомобиль транспортини ривожлантириш миллий дастурлари концепциясини ишлаб чиқиш;

республика ва аҳолининг ташишларга бўлган давлат эҳтиёжлари истиқболини ишлаб чиқиш;

автомобиль транспорти соҳасида ягона инвестиция, илмий-техника ва ижтимоий сиёсатни шакллантириш ва юритиш;

автотранспорт хизматлари бозорини шакллантириш ва ривожлантиришга қўмаклашиш;

йўловчилар, бағаж ва юклар ташишини лицензиялашни ташкил этиш ва такомиллаштириш;

ташувчилар ва мижозларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш;

кадрларни ўқитиш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш;

автомобиль транспорти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат қилиш;

автомобиль транспорти соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга ошириш.

Автомобиль транспорти бошқарувчи давлат органи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларга ҳам эга бўлиши мумкин.

11-модда. Давлат ҳокимияти маҳаллий органиларининг асосий ваколатлари

Давлат ҳокимияти маҳаллий органиларининг автомобиль транспорти соҳасидаги асосий ваколатлари куйидагилардир:

автомобиль транспортини ривожлантириш комплекс минтақавий дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

автотранспорт хизматлари бозорини шакллантириш ва ривожлантиришга, барча ташувчиларнинг фаолияти учун тенг шароитлар яратишга қўмаклашиш;

автомобиль транспортнинг моддий-техника ва ижтимоий негизини мустаҳкамлашга қўмаклашиш.

Давлат ҳокимияти маҳаллий органи қонун ҳужжатларига мувофиқ автотранспорт соҳасида бошқа ваколатларга ҳам эга бўлиши мумкин.

12-модда. Автотранспорт воситаларини стандартлаш, метрология жаҳатидан таъминлаш ва сертификатлаш

Автотранспорт воситалари хавфсизлик, меҳнатни муҳофаза қилиш, экология талабларига, шунингдек стандартлар ва техник шартларга, тиббий-санитария ва ёнгина қарши нормаларга мувофиқлик сертификатига эга бўлиши лозим.

Автотранспорт воситаларини стандартлаш, метрология жаҳатидан таъминлаш ва сертификатлаш бўлими қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

13-модда. Автомобилда ташишларни лицензиялаш

Автомобилда ташишлар ташувчилар томонидан махсус рухсатнома (лицензия) асосида амалга оширилади.

Автомобилда ташишлар учун лицензия бериш тартиби Ўзбекистон Республикасининг Вазири Маҳкамаси томонидан белгиланади.

14-модда. Автотранспорт воситасини бошқариш ҳуқуқи

Автотранспорт воситасини бошқариш ҳуқуқи тегишли малакага эга бўлган ва тиббий текширувдан ўтган жисмоний шахсга берилади.

Автотранспорт воситасини бошқариш ҳуқуқи белгиланган намунадаги ҳужжат билан тасдиқланади.

Саломатлигига кўра автотранспорт воситасини бошқаришга яроқли ёки яроқсиз эканлиги мезони Ўзбекистон Республикасининг Соғлиқни сақлаш вазири томонидан белгиланади.

Автотранспорт воситаларини бошқаришга доир малака талаблари қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

15-модда. Йўловчилар, бағаж ва юклар ташиш шартномаси

Йўловчилар, бағаж ва юклар ташиш шартлари ва томонларнинг жавобгарлигини назарда тутувчи ташиш шартномаси асосида ташланади.

Йўловчилар, бағаж ва юкларни ташишга ишловчи ташиш шартномасида белгиланган ҳақ олинади.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ автотранспорт ташишларининг айрим турлари учун давлат ҳокимияти маҳаллий органи томонидан тартибга солувчи тарифлар белгиланиши мумкин.

Тартибга солувчи тарифлар бўйича ташишлар муносабати билан ташувчиларнинг ҳаракатларини қоплаш Ўзбекистон Республикасининг Вазири Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда тегишли маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Ташувчиларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ имтиёзлар берилган, шу жумладан бепул юриш ҳуқуқи берилган фуқароларнинг айрим тоифаларини ташиш билан боғлиқ ҳаракатлари давлат бюджети маблағлари ҳисобидан белгиланган тартибда қопланади.

Автомобиль транспортда йўловчилар, бағаж ва юкларни темир йўл, денгиз, дарё, ҳаво транспорти ва транспортнинг бошқа турлари билан ўзаро ҳамкорликда ташиш ягона транспорт ҳужжатидан ҳамда шундай ташишни ташкил этиш тартибидан фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган пайтда юзага келадиган муносабатлар ташувчилар ўртасидаги битим билан тартибга солинади.

Аҳолига автотранспорт хизмати кўрсатуви автовокзаллар ва йўловчилар бекатлари куриш ташувчилар, давлат бюджети маблағлари ҳамда қонун ҳужжатларида таққидланган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

16-модда. Фавқулодда ҳолатларда автомобиль транспортининг иши

Фавқулодда ҳолатлар (зилилла, тошқин, ёнгин, эпидемия ва бошқа табиий офатлар) юзага келган тақдирда ташувчилар ва мижозлар ўртасидаги шартнома муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг Вазири Маҳкамаси ёки давлат ҳокимияти маҳаллий органининг қарорига биноан табиий офатлар ёки уларнинг оқибатларини туғатиш даврида тўхтатиб турилиши мумкин.

Ташувчиларнинг фавқулодда ҳолатларда, шунингдек сафарбарлик ҳолатида, фуқаро муҳофазаси ва авария-қутқарув ишларида оид тадбирларини таъминлаш билан боғлиқ ташишларни амалга оширишга доир ҳаракатлари давлат бюджетидан қопланади.

17-модда. Ташувчининг ҳуқуқлари

Ташувчи куйидаги ҳуқуқларга эга: умумий фойдаланишдаги барча автотранспорт воситалари, шунингдек идораларга қарашли умумий фойдаланиш учун очик автомобиль йўллари орқали ўтиш;

жўнатиладиган юк ўз сертификатига мувофиқ эканлигини тасдиқловчи ҳужжатларни олиш;

фуқаролар ҳаётига, йўл ҳаракати хавфсизлигига таҳдид солувчи, экология ва санитария нормалари бузилишига ёки бошқа гайриқонуний ҳаракатларга сабаб бўлувчи ҳолатларда ташишдан воз кечиш.

Ташувчи қонун ҳужжатларига му-

вофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

18-модда. Ташувчининг мажбуриятлари

Мижозга хизмат кўрсатиш чоғида ташувчи:

ташиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлиши;

сертификатга эга бўлган ва Ўзбекистон Республикасининг Вазири Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда рўйхатга олинган ишга яроқли транспорт воситаларидан фойдаланиши;

ташиш шартномаси шартларига риоя қилиши;

йўловчилар, бағаж ва юклар ташишининг белгиланган қондаларига риоя қилиши;

йўловчи, бағаж ёки юкни тайинланган жойига ташиш шартномасида белгиланган муддатда элиб қўйиши, агар элиб қўйиш муддати ташиш шартномасида белгиланмаган ва назарда тутилмаган бўлса, элиб қўйиш оқилона муддатларда амалга оширилиши лозим;

йўловчининг хавфсизлигини, хизмат кўрсатишининг зарур қулайликларини таъминлаши;

бағаж ва юкларнинг ташишга қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб олувчига берилгунга қадар сақланишини таъминлаши;

йўл ҳаракати хавфсизлиги ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қондаларига риоя этилишини таъминлаши;

ташувчи ташишни давом эттиришдан бош торган тақдирда мижоз кўрган зарарни қоплаши;

автомобилда ташишлар бўйича белгиланган тартибга мувофиқ ҳисобга олиш ва ҳисобот бериш ишларини юритиши;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятларини бажариши шарт.

19-модда. Мижознинг ҳуқуқлари

Мижоз куйидаги ҳуқуқларга эга: ташувчи тўғрисида зарур бўлган ахборотни олиш;

ташувчининг эркин танлаш ва ташиш учун шартнома тузиш;

қондаларда ёки ташиш шартномасида белгиланган тарзда ташувчи томонидан ўз вақтида ва сифатли хизмат кўрсатилишидан баҳраманд бўлиш;

ташиш тўғрисида берилган маълумот ва маънавий зарарни қонун ҳужжатларига мувофиқ тўлатириш ва қоплатириш;

ташиш шартномасида кўрсатиб ўтилган шартлар ташувчи томонидан бузилган тақдирда хизматлар кўрсатилишидан воз кечиш;

ўз ҳуқуқлари бузилган тақдирда ваколатли давлат органига ёки судга мурожаат қилиш;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқлардан фойдаланиш.

Йўловчилар ташиш чоғида йўловчи куйидаги ҳуқуқларга ҳам эга:

йўловчилар ташиш учун очик бўлган ҳар қандай йўналишга чипта сотиб олиш, чиптада белгиланган жойини эгаллаш;

шаҳар ва шаҳар атрофи йўналишларидаги автобусларда етти ёшгача бўлган болаларни ўзи билан бепул олиб юриш;

шаҳарлараро ва халқаро йўналишларидаги автобусларда беш ёшгача бўлган бир болани алоҳида жой берилмаган ҳолда бепул олиб юриш, беш ёшдан ўн ёшгача бўлган бола учун алоҳида жой берилган ҳолда чипта тўлиқ қийматининг 50 фоизини тўлаб чипта сотиб олиш ва ўн ёшгача бўлган икки ёки ундан ортқ бола олиб юрилганда улардан бири бепул олиб юрилади, қолганлари учун — алоҳида жой берилган ҳолда чипта тўлиқ қийматининг 50 фоизини тўлаб чипта сотиб олинади;

шаҳар ва шаҳар атрофи йўналишларида йигирма килограмдан ошмайдиган оғирликдаги бағажни, шаҳарлараро ва халқаро йўналишларида — белгиланган ўлчамлардаги бағажнинг бир ўрнини ўзи билан бепул, кўрсатиб ўтилган нормалардагидан ортқича бағажни эса — ҳақ эвазига олиб юриш;

ташиш бошланмасидан олдин чипта топириш ва унинг учун тўланган суммани қайтариб олиш. Тўланган сумманинг ташувчи томонидан

қайтарилиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади;

йўловчиларни ташувчи рейслар кечиккан ёки бекор қилинган тақдирда етказилган зиёни ва маънавий зарарни қонун ҳужжатларига мувофиқ тўлатириш ва қоплатириш.

Ушбу модда иккинчи қисмининг учинчи ва тўртинчи хатбошларида берилган имтиёزلарни татбиқ қилиш Ўзбекистон Республикасининг Вазири Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда ташувчининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

20-модда. Мижознинг мажбуриятлари

Мижоз:

ташиш шартномаси шартларига риоя қилиши;

ташиш қондаларида ўзига қўйилган талабларни бажариши;

ташилаётган юкнинг ташиш шартномасига мувофиқлигини тасдиқловчи зарур ҳужжатларни ташувчининг талабига биноан тақдим этиши;

автотранспорт воситаларининг ташилиши лозим бўлган юк ёки бағаж ёнига бемалол ва хавфсиз кириб бора олишини таъминлаши;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятларини бажариши шарт.

21-модда. Ташиш шартномасидан келиб чиқадиган мажбуриятлар бўйича жавобгарлик

Ташиш шартномасидан келиб чиқадиган мажбуриятларини бажармаган ёки тегишли даражада бажармаган тақдирда, томонлар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

Томонларнинг қонунда белгиланган қўйилган жавобгарлиқни теклаш ёки бартараф этиш ҳақидаги битими ҳақиқий эмас.

22-модда. Юк ёки бағаж йўқолган, кам чиққан ёки шикастланган (бузилган) ҳолларда ташувчининг жавобгарлиги

Агар ташувчи юк ёки бағажнинг йўқолиши, кам чиқиши ёки шикастланишида (бузилишида) ўзининг айби йўқлигини исботлай олмаса, ташиш учун қабул қилиб олган юк ёки бағаж йўқолганини, кам чиққани ёки шикастлангани (бузилиши) учун жавобгар бўлади.

Юк ёки бағажни ташиш вақтида етказилган зарар йўқотилган, кам чиққан ёки шикастланган (бузилган) юк ёки бағаж қиймати, шунингдек ташувчи йўқолган, кам чиққан ёки шикастланган (бузилган) юк ёки бағажнинг элиб бериш учун мижоздан олган кира ҳақи қиймати миқдоридан, агар бу кира ҳақи юк ёки бағажнинг баҳасига кирмаса, ташувчи томонидан қопланади.

Мижоз ташувчидан юк йўқолгани, кам чиққани ёки шикастлангани (бузилиши) тўғрисида етказилган бошқа зарарлар ҳам қопланишини талаб қилишга ҳақиқ.

23-модда. Ташувчининг юк ташиш учун автотранспорт воситасини бермаганлиги ёки ўз вақтида бермаганлиги учун жавобгарлиги

Ташувчи ташиш шартномасига мувофиқ юк ташиш учун автотранспорт воситасини бермаганлиги ёки ўз вақтида бермаганлиги учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

Агар автотранспорт воситасини бермаганлик ёки ўз вақтида бермаганлик енгиб бўлмас куч, ҳарбий ҳаракатлар, муайян йўналишда юк ташиш тўхтаб қўйилганлиги тўғрисида юк берган бўлса, ташувчи қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликдан озод қилинади.

24-модда. Юк ташиш учун ташувчи томонидан берилган автотранспорт воситасидан фойдаланмаганлик учун мижознинг жавобгарлиги

Юк ташиш учун ташиш шартномасига мувофиқ берилган автотранспорт воситасидан фойдаланмаганлик учун мижоз қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Агар бу енгиб бўлмас куч, ҳарбий ҳаракатлар, муайян йўналишда юк ташиш тўхтаб қўйилганлиги тўғрисида юк берган бўлса, мижоз қонун ҳужжатларида белгиланган тар-

тибда жавобгарликдан озод қилинади.

Тошкент шаҳри,
1998 йил 29 август.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикасининг "Автомобиль транспорти тўғрисида"ги Қонунини амалга киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг "Автомобиль транспорти тўғрисида"ги Қонуни матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ў

Мана бир ойдири, Россия чуқур иқтисодий инқирозни бошидан кечирмоқда. Инқироз нафақат мамлакат иқтисодиётини, молиясини, балки сиёсий ва ижтимоий ҳаётини ҳам кенг қамраб олган. Тўғри, ҳукумат инқирозга барҳам берилди, ҳисоб. Янги Бош вазир тасдиқланди, янги коалицион ҳукумат таркиб топмоқда. Сиёсий эҳтирослар жиловлангандек. Аммо иқтисодий тушқунлик тўхтатилгани йўқ. Рублнинг қадри ҳам, нархларнинг даражаси ҳам ҳали ўзининг олдинги мавқега қайтмади. Саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг ҳалокатли пасайиши, оммавий ишсизлик, давлатнинг ўз фуқароларидан қарзи ортмоқда. Россияда юз берган иқтисодий, молиявий тушқунликни бировлар халқроқ молия чакрочилигининг оқибати деса, яна бировлар Президентнинг ички душманларининг кўпуровчилик ҳаракатлари натижаси, деб ҳисобламоқда. Яна бошқалар уни мамлакат тақдир учун эмас, балки шахсий бойлигини ошириш учун қайғурадиган бир ҳовуч молия, банк магнатларининг иши, деб баҳоламоқда. Уларнинг фикрича, мамлакат иқтисодиётининг калити бундай кимсаларнинг қўлида бўлиб, улар давлатни бошқаришда ўз улушларига эга бўлиш учун курашмоқдалар. Булардан фарқ қиладиган бошқа фикрлар ҳам йўқ эмас. Аммо бир нарса аён. Россияда чуқур системали инқироз кеча ёки бугун пайдо бўлгани йўқ. Унинг томирлари анча узоққа, Юртбошимиз таъбири билан айтганда 1991 йилга, улар танлаган йўлга бориб тақалди. Инқироз биринчи навбатда мулкни Россияча давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, табиий, иқтисодий ресурс ва бойликларни аёвсиз талон-тарож қилиш, мамлакат капиталининг ҳуфёна йўллар билан ташқарига чиқиб кетиши оқибатидир.

версификациялаш жараёнида изчиллик етишмади. Баъзи тармоқлар, масалан, кўмир қазиб олиш ва бошқа норентабел ишлаб чиқариш турлари ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Давлат туб ислоҳотларни ўтказишда асосий қафолат бўлиб майдонга чиқиб у ёқда турсин, мавжуд иқтисодий ва молиявий тизимларни ҳам ўз қўлидан чиқариб юборди. Шу билан

сезиларли қисқариши эса мамлакатни миллиардлаб валюта тушумидан маҳрум қилди. Россия ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича ҳали ислоҳотдан олдинги даражасининг 60, саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг 50 фоизига ҳам етгани йўқ. Бугун Россиядаги бу аҳволни инқироз, синий ва ҳатто ҳалокат деб атамоқдалар. Гап атамда эмас. Ле-

31,2 фоизи МДХ давлатлари ҳиссасига тўғри келди. (Шу йилнинг биринчи ярми бўйича бу кўрсаткич 28,3 фоизни ташкил этди). Ўзбекистоннинг ташқи савдо алоқаларида Россиянинг улуши 14 фоизга тенг, холос. Бу олдинги йиллардаги натижалардан анча паст. Бунинг устига, Россия билан фаол савдо балансига эгизми: яъни товар киритиш-

нима билан ва қандай якуланиши мумкин? Бугунги иқтисодий, сиёсий беқарорлик ва бошбоқдоқлик яна анча давом этиши, аҳоли қашшоқлашувининг янада кенгайиши (ҳозир Россияда 40 миллиондан ортиқ қашшоқлар мавжуд), мамлакат яна кўп йиллар ур-сурлар майдоли бўлиб қолавериши ҳам мумкин. Аммо бу россияликларни ҳам, бизни ва кенг жаҳон ҳамжамиятини ҳам қаноатлантирмайди. Шунинг учун ҳам Россия олдида ягона ва тўғри йўл қолади. У ҳам бўлса инқироздан сабоқ олиш, тўғри ҳулосалар ясаш ва ундан соғломлашиб, кучайиб чиқишидир. Гап шундаки, инқироздан, рублнинг қадрсизланишидан мамлакатда молиявий вазиятни ўзгартириш мақсадида фойдаланса ҳам бўлади. Чунки энди экспорт тармоқларини ривожлантиришга, мамлакатдаги товар ишлаб чиқарувчиларни ҳимоя қилишга ўтиш мумкин. Импорт қимматлашгандан кейин рақобатбардор товарлар ишлаб чиқаришга ўтилади. Бундан ташқари, энди валюта айирбошлаш курсини ушлаб туриш учун сарфланадиган ва банкдан банкга кўчиб юрадиган миллиардларнинг инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш ва ижтимоий дастурларни амалга ошириш мақсадларига сарфлаш мумкин. Ҳа, инқироздан фақат ривожланиш орқалигина чиқиш мумкин. Бу энг тўғри, энг универсал ва сигнал йўл. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг Ўзбекистон модели бунга тўла тасдиқлади. Бугун биринчи навбатда саноат ва қишлоқ ҳўжалигини тиклаш, ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш даркор.

Қайси йўлдан бориш Россия янги ҳукумати, халқнинг иродаси ва изчиллигига боғлиқ.

Нурсином ТҲЛИЕВ,
иқтисод фанлари доктори, профессор.

Бизнинг шарҳ

ИНҚИРОЗДАН ЧИҚИШ ЙЎЛИ — РИВОЖЛАНИШ

бирга тайёрга айёр сунъий молиявий пирамидалар авж олди. Жиноий гуруҳлар ишлаб чиқариш ва молияга аралашиб кетди. Натижада 17 августда ҳукумат ва Марказий банк энди валюта коридорини ортқича ушлаб тура олмаслигини, давлат ички қарзи бўйича ҳисоб-китобларга қодир эмаслигини расмий билдирди. Бу валюта олди-соттисидида рублга нисбатан доллар курсининг кескин ошиб кетишига олиб келди. Рублнинг доллар ва бошқа қатъий валюталарга айирбошланиши ўзининг энг паст даражасига тушди. Импорт молларининг нархи кескин ошди. Бунга ҳамоҳанг, шов-шув ва ваҳима таъсирда гречка, шакар, сут каби шу ернинг ўзидида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар баҳоси ҳам ўз ўзидан ошиб кетди.

Бундан бошқача бўлиши ҳам мумкин эмасди. Чунки ҳукумат нархларининг ошишини товарлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳисобига эмас, балки пул массасини бюджетдан тўловларни (иш ҳақи, нафақа) тежаш йўли билан ушлаб туриш йўлидан борди. Оқибатда давлатнинг ички қарзлари 70 миллиард АҚШ долларидан ошиб кетди. Янги ички маҳсулот ишлаб чиқариш эса, расмий маълумотларга кўра, шу йилнинг июль ойида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 4,5 фоиз, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 9,4 фоизга қисқарди. Экспорт ҳажмининг

кин иқтисодиётнинг сўнгги нуқтага, гўбсиз жар ёқасига келиб қолгани, олдин халқ оммаси учун яна бир «фалаж» эканлиги аниқ. Мамлакат ўз тараққиётида бир неча йилларга орқача суриб ташланади. Давлатнинг ички ва ташқи қарзи тез суъратларда ўсмоқда. Ижтимоий соҳада аҳвол янада баттар.

Маълумки, бизнинг иқтисодиётимиз ёпиқ, маҳдуд иқтисодиёт эмас. У жаҳон ҳўжалик системаси билан борган сари яқиндан интеграциялашмоқда. Шу маънода танглик бизга ҳам маълум даражада ўзининг таъсирини кўрсатиши мумкин. Бу ҳақда Президентимиз Озарбойжон сафари олдинда ўтказилган матбуот конференциясида аниқ ва ба- тафсил тўхтади. Россиядаги инқироздан Жорж Сорос каби «пихини ёрган» устаси фаранг сармоядорлар ҳам панд еб қолиши. Аммо Россиядаги, умуман Осиё, Нью-Йорк ва Европадаги молиявий танглик ҳам бизга жиддий салбий таъсир ўтказолмайди. Чунки ташқи бозор беқарорлигининг миллий иқтисодиётимизга таъсир зарбасини юмшатиш чора-тадбирлари мамлакатимизда аллақачон кўриб қўйилган.

Биринчидан, кейинги бир неча йил давомида ташқи савдо айланмасининг таркиби ва географияси жиддий такомиллаштирилди ва кенгайтирилди. 1997 йил ташқи савдо айланмасининг атиги

дан кўра товар чиқариш устунроқ. Илгари ташқи мамлакатлар билан савдо-иқтисодий алоқаларимиз, арзон денгиз йўлларига бевосита чиқа олганамиз туфайли асосан Россия ҳудуди орқали амалга оширилган эди. Энди эса унга муқобил йўллари топиш устида катта ишлар олиб боришмоқда. Энди Ўзбекистоннинг Форс кўрфаз, Ҳинд океани, Урта ер ва Қора денгизларга чиқиши, Тинч океани Осиё қисми орол-даватлари билан боғланиши реалликка айланмоқда.

Иқкинчидан, чет эл инвестициялари учун очиқ, шу билан бирга, мустакил миллий иқтисодиётни барпо этиш жараёнида илҳами борица ташқи бозор таъсиридан холи бўлиш мақсадида импорт ўрнини босадиган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилди. Энергия воситалари, ғалла ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш ана шулар жумласидандир.

СИФАТ УЧУН МУКОФОТ

«Қорақалпоқбўя» агро-бирлашмаси номда Испания пойтахти Мадрид шаҳридаги Халқаро сифат қўмитасидан хушхабар келди. Унда айталикчи, бирлашманинг ҳоризгега жўнатилган буян илдизи сифати жаҳондаги жаҳондаги 136 мамлакат орасида энг юқори баҳолашиб, «Платина юдўзи»га лойиқ деб топилган. Юксак мукофот бирлашма ахқилларида шу йил ноябрда Мадридда тапталгани равишда топширилади.

Теннис бўйича Президент Кубоги

мусобақаси давомида ҳар куни БЕПУЛ ўтказиладиган MATCH'N LOTTEREA ўйинларида қатнашиб, ҒАРОЙИБ СОВҒОЛАРНИ ЮТИБ ОЛИНГ!

Сиз теннис қондасини билмасангиз ҳам голиб бўласиз. Марҳамат, ўзингизни синаб кўринг! 14-19 сентябрь. Юнусобод. Расмий ҳомий Nestle

АЛДАГАНИ... ДЕҲҚОН ЯХШИМИ?

Тошкент вилоятида икки йилдири, пахта тайёрлаш режаси сурункасига удаланмапти. Нега?

Хар гал қоқоқлик сабабларини таҳлил қилишга тўғри келиши, умрини йил ўн икки ой давода ўтказиладиган, пелтонада қийинча, елксига ботмон кетмон ташлаган ЎЗБЕК оғам кўз ўнгимга келди. У ахқилдоғча марказ учун ғалла, пахта етиштирувчи асосий кўч бўлиб келди. Бироқ, энди замон ўзгарди, жамият янгиланди. Истиклолнинг шараф билган, дунёга Ўзбекистон шўҳратини кўзга кўлтүвчи деҳқон манфаатлари тўлиқ ҳимояланган қонунлар яратилди. Деҳқон энди фермерга, мулкдорга айланди. Бироқ, эски тузум қилғилигини қилиб кетган эҳанки, мамлакат Президент илгари суъратган гушлар, жамиятни тубдан ислоҳ қилиш борасида олиб бориладиган иқтисодий ислоҳотлар ҳамма жойда ҳам бирдек амалга ошмапти. Сабаби, Урта ва қуйи бўғин раҳбарлари деҳқон манфаатини тўлиқ тушуниб етмаптир. Қолаверса, улар ислоҳотлар йўлидаги маъсулият юкни сезишмапти. Бўямаса, ҳар йили теримга юз фоиз тахт деб юқорида ҳисобот берилган техникалар йиғим-теримнинг биринчи кўниёқ панд берармиди? Ушша ҳисобот йўлидан раҳбар маъсулият юкни сезганида вилоят пахтазорларида етиштирилган ҳосил даладарда қолиб кетмасди.

картининг нариги бошида, яна бири... ҳуллас, техника биринчи кўниёқ панд берди. Шу кунги топширилган репортажни ёзмадим. Эртасига ҳам, индинига ҳам. Чунки, ёлғонни ёзишга қўлим бормади. Оранда уч-тўрт кун ўйди, Янгиёул туманидаги ҳўжаликларга бордим. Бу ерда ҳам шу аҳвол. Қайсидагир агрегатнинг тасмаси узилган, бошқасининг шпиндели чатақ, яна бирда аккумулятор йўқ. Шундан кейин билдикми, ҳўжалик ва туманлардан терим машиналарининг мавсумга шайлиги ҳақида юқорига берилган ҳисоботлар бир қадар сохта экан. Хўш, бундан ким фойда кўриди? Ҳеч ким! Барча оғирлик яна деҳқонга тушди.

Бу йил ана шу хатоларни такрорлашмаслик учун йил бошиданқоқ таййинлаш тадбирлар ўтказилди. Ҳўжларда бир қатор раҳбарлар алмаштирилди. Қишлоқ ҳўжалигида мулкчиликнинг янги шакли жорий этилди. Ташаббускорлар рабатлантирилди. Натижада Тошкент вилояти галлакорлари қоқоқлик долин ювиб, режани удаладилар. Ғалла ўрим-йиғимни тугатган, бутун куч ва эътибор пахтачиликка қартилди. Чиноз, Оққўрғон, Юқори Чирчиқ каби туманларда мўл пахта ҳосили етиштирилди. Бугун эса ҳамма гап ана шу ҳосилни нобуғларчиликсиз териб олишда.

Расмий ҳужжатларда 1998 йил ҳосили учун эъланган 115,8 миң тектар пахтанинг 84 миң тектариди пурқалгичларда дефляция қилиш мўлжалланган. Ана шу мақсадда вилоят «Агроқимметаминот» бирлашмаси оғамборларига, 4 сентябргача бўлган маълумотга кўра, 1215 тонна дефоланг келтирилган. «Хлоп» магнийи», «Сихат», «Дроп»-Ултра» каби дефолангларни ўз вақтида даладарга сепиш учун 353 та пурқалгич талаб этилди. 1998 йил 4 сентябргача бўлган маълумотга кўра, вилоят туманларидида 304 та пурқалгич мавжуд. Оққўрғон туманида талаб этилганидан 18 та, Бўқанда 13 та, Янгиёулда 18 та, Пискентда 6 та, Бекобда 5 та пурқалгич кам. Майли, гап уларнинг саногиди

эмас, сифатида. Агар агрегат нақд турса, 10 тасининг ишини 5 таси ҳам қилиш мумкин. Айнан ана шу сифат режими юқори ташқилотлар томонидан текширилганда Янгиёул туманидаги Абдулло Ориқов номли, «Нибёбоши», «Дустлик», «Қовуңчи», «Янги ҳаёт», Чиноз туманидаги «Яултушган», Амир Темур номли Оқунобёёв номли, Қуйи Чирчиқ туманидаги «Ўзбекистон 5 йиллиги» жамоа ҳўжаликларидида пурқалгичлар билан бир қисми сепкичлар билан тўлиқ бутланмаганлиги, тракторларга бутловчи қисмлар қўйилмаганлиги, аккумуляторлар етишмаслиги аниқланди. Носоз ҳолдаги 14 та пурқалгич қайта таъмирлашга қўйилди.

Шу сатрларни ёза туриб, 1997 йилда ҳам айнан ўша турини сунъий тўқтириш 10-15 кун кеч туталганлиги оқибатда машина терими орқача сурилиб, етиштирилган ҳосилнинг бир қисми бой берилганини эсламан.

Утган йилги хатолардан вилоятдаги ҳўжалик ва туман раҳбарлари наҳотки бу йил ҳам етарли хулоса чиқаришмаган бўлишмаси? Афсуски, лоқайлик, маъсулиятсизлик, бу йил ҳам бўй кўрсатди. Бир қатор туманларда пахта даладарга ўз вақтида суғорилмаганлиги, ўзга қатор оғамга сифатли ишлов берилмагани, чеканка ишлари меъёрида олиб борилмаганлиги тўғрисида қатор туманларда ҳосил кеч пишди. Даладар бегона ўтдан вақтида тозаланимагани боис етарли миқдорда қуёқ туғилганиди. Устига-устак, «ўрғалган кўнгиғ ўртаса қўйма» деталлари йилек, ҳўжлардаги раҳбарлар бу йил ҳам терим агрегатларининг мавсумга шайлиги ҳақида юқорига берилган маълумотларга қўшиб ёзишга, қўбуғуланмақчи ружу қўйдилар. Бирор мард топилмадики, «Ҳей, жаноблар! Бу қўшиб ёзишлардан кимга фойда? Эртага тумшўғингиздан илмасиз-ку, ахир!» деса. Фактларга мурожаат этишимиз: мавжуд 1085 та пахта терим қамбайнидан ҳисоботдагидек 532 та эмас, балки 434 таси тайёр эканлиги, 9 фоиз техника қўшиб ёзилганиги аниқланди.

Анжуманнинг учинчи мажлиси «Глобаллашув ва минтақалашувнинг миллий оқибатлари» мавзюида бўлди. Иштирокчилар «Геоиқтисодий рақобатда давлат тизими», «Яқин Шарқдаги вазият», «Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви: устувор йўналиш ва механизмлар» мавзуларига бағишланган маърузаларни тингладилар. Бугунги куннинг долзарб масалаларига бағишланган маърузалар кўпчиликини бефарқ қолдирмади. Кўтарилган масалалар юзасидан қўзғин фикр алмашувлар бўлди. Маржисе нҳюҳюсида кучли марказларнинг шаклланиши ва дунёнинг янги тартиби мавзюга бағишланган давра суҳбати ҳам бўлиб ўтди.

1997 йил ҳосили терими-га киришилган дестабил қунар эди. Муҳаррирдан эл-муҳбирлар тармоғидан кўнги-роқ қилишиб, «Вилоятдан биринчи терим ҳақида тезда репортаж тайёрлаб жўнатинг!» дейишди. Ушша пайтда вилоят ҳўжинининг матбуот қотиби давронидида ишлаётган жаноб Х. Шафатов, радио ва телевидение муҳбирлари билан, Урта Чирчиқ туманидаги теримга тахт қилинган далага бордик. Пахта шўнақани оқилганин, ҳавсинг келди. Карта бошида терим агрегатлари гижиндлаб турибди. Бир пайт етар берилди. Агрегатлар бирин-кетин теримга қиришди. Зум ўтмай, бири дала-нинг қоқ ярмида, бири эса

Ш. ҚАРИМОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

Айтинг-айтинг, ишқилиб, бу йил деҳқон мамнати, маъсулият юки унутилмасин!

Айтинг-айтинг, ишқилиб, бу йил деҳқон мамнати, маъсулият юки унутилмасин!

Айтинг-айтинг, ишқилиб, бу йил деҳқон мамнати, маъсулият юки унутилмасин!

Айтинг-айтинг, ишқилиб, бу йил деҳқон мамнати, маъсулият юки унутилмасин!

Айтинг-айтинг, ишқилиб, бу йил деҳқон мамнати, маъсулият юки унутилмасин!

Айтинг-айтинг, ишқилиб, бу йил деҳқон мамнати, маъсулият юки унутилмасин!

Дастур бўйича талабнома топшириш мuddати: 27ноябрь 1998йил




Спорт

ГОЛИБЛАР ВА МАҒЛУБЛАР

Пойтахтимиздаги "Юнусобод" теннис мажмуасида...

аргентиналик теннисчи Эгелес Гастон билан Жанубий Африка Республикасининг...

этган россиялик ўн саккиз ёшли Марат Сафин ўтган куни Бассен Рожер...



Россия вакили Иванов — Смоленский билан жуфт бўлиб дастлабки галабасини қўлга киритди...

Нормурод МУСОМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

БЕПУЛ ДАРСЛИКЛАР

Косонсой тумани ҳокимилиги ўнча хос ташаббус билан чиқди...

Унда барча ташкилот, корхона, ҳўжалик, хусусий тadbirkорлар иштирок этдилар...

Уларнинг ҳаммасига бепул ўқув қуроллари тарқатдик ва бу болаларнинг ўқиши...

Шу кунга қадар «Камолот», «Наврўз» жамғармаларининг туман бўлимлари, ўрмон ҳўжалиги...

А. МАДАТОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ

1998 йИЛГИ АСПИРАНТУРА ВА ДОКТОРАНТУРАГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) аспирантурага қуйидаги мутахассисликлар бўйича:

- 12.00.01 - Давлат ва ҳўқуқ назарияси ҳамда тарихи; сиёсий ва ҳўқуқий таълимотлар тарихи - 2 ўрин;
12.00.02 - Давлат ҳўқуқи ва бошқаруви; маъмурий ҳўқуқ; молиявий ҳўқуқ - 2 ўрин;
12.00.03 - Фуқаролик ҳўқуқи; оила ҳўқуқи; фуқаролик жараёни; халқаро хусусий ҳўқуқ; - 2 ўрин;
12.00.06 - Қишлоқ ҳўжалик ҳўқуқи; ер, сув, ўрмон ва кон ҳўқуқи; экологик ҳўқуқ - 2 ўрин;
12.00.08 - Жиноят ва жазо ҳўқуқи; криминалогия; ахлоқ тузатиш-мехнат ҳўқуқи - 2 ўрин;
12.00.09 - Жиноят жараёни, криминалистика ва тезкор-қидирув ҳўқуқи; суд экспертизаси - 2 ўрин.

Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда (сиртқи) аспирантурага қуйидаги мутахассисликлар бўйича:

- 12.00.01 - Давлат ва ҳўқуқ назарияси ҳамда тарихи; сиёсий ва ҳўқуқий таълимотлар тарихи - 1 ўрин;
12.00.02 - Давлат ҳўқуқи ва бошқаруви; маъмурий ҳўқуқ, молиявий ҳўқуқ - 1 ўрин;
12.00.03 - Фуқаролик ҳўқуқи; оила ҳўқуқи; фуқаролик жараёни; халқаро хусусий ҳўқуқ - 1 ўрин;
12.00.06 - Қишлоқ ҳўжалик ҳўқуқи; ер, сув, ўрмон ва кон ҳўқуқи; экологик ҳўқуқ - 1 ўрин;
12.00.08 - Жиноят ва жазо ҳўқуқи; криминалогия; ахлоқ тузатиш-мехнат ҳўқуқи - 1 ўрин;
12.00.09 - Жиноят жараёни, криминалистика ва тезкор-қидирув ҳўқуқи; суд экспертизаси - 1 ўрин.

Ҳўжатлар 1998 йил 25 сентябрдан 1998 йил 25 октябргача қабул қилинади.

Ҳўжат топширувчилар танлаган мутахассисликлари бўйича 20 бетадан кам бўлмаган ҳажмда реферат топширишлари лозим.

Кириш имтиҳонлари танланган мутахассислик, Ўзбекистон тарихи, фалсафа, чет тиллари (инглиз, немис ёки француз) бўйича бўлади.

Маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мулкани:

Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 35, аспирантура бўлими. Телефонлар: 133-51-62, 133-45-69, 133-90-40.

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Тахрир хайъати:

- М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»), А. ЖАББОРОВ, С. ЗИНИН, М. МИРАЛИМОВ, С. МУҲИДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. ПАК (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. САФАРОВ, Р. ФАРҲОДИЙ, И. ХУДОЁЕВ, И. ШОҒЛОМОВ, Ҳ. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

- Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34;
Ҳўқуқ — 136-07-94;
Иқтисодиёт — 136-36-65;
Қишлоқ ҳўжалиги — 136-37-85;
Маънавият ва маърифат — 136-35-60, 132-10-65;
Хатлар — 136-29-89, 133-07-48;
Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08;
Халқаро ҳаёт — 132-11-15;
Котибият — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001

Буюртма Г — 0329, 27353 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II компьютерида терилди ҳамда операторлар Сергей ЛУКИН ва Жамил ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир — Н. ТОШЕВ. Навбатчи — И. ТОШЕВ. Мусоҳиҳ — Ф. УСМОНОВ.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарк» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилади — 00.00 1 2 3 4 5 6

ЎЗБЕКИСТОНДА ЎТҚАЗИЛАДИГАН КОРЕЯ МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ ОҚДИЛА

Шу йилнинг 21-26 сентябрда республикамизда Корей маданияти кунлари ўтказилади. Бир ҳафта давом этдирган турли кечалар, учрашувлар, кўргазмалар, халқ ўйинлари, китоблар кўргазмаси, кинофильмлар намойиши, анъанавий халқ ўйинлари ва қўшиқларидан иборат концертлар Жанубий Корей ва Ўзбекистон дўстлигини янада мустаҳкамлайди.

ТАРАДДУД

Ушбу тантананага Корей Республикаси санъат арбоблари ассоциациясининг 15 нафар аъзоси келиши кўтилмоқда. Корей Ташқи ишлар ва Савдо вазирликлари ҳамда чет элда яшайётган ватандошлар билан алоқа қилиш жағфармаси мажур тadbirkорни қўллаб-қувватлагани ҳолда, унга Корей Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳомийлик қилмоқда.

22-26 сентябрь кунлари Санъатшунослик институтида рассомлар асарлари кўргазмаси намойиш этилади. Унга корейлик рассомларнинг 150 та, ўзбекистонлик мўйқалам усталарининг 20 та асари тақдим этилган. Корей китоблари ва расмлари кўргазмаси эса Байналмилал маданият марказида уюштирилади. Томошабинлар Корей манзаралари, буклетлар, плакатлар, брошюралар ҳамда графика санъати билан ошно бўладилар. «Сайилгоҳ» майдонига ташриф буюрганлар ағъанавий ва замонавий кураш усуллари билан танишадилар. Киночилар уйда «Тоғлар оша», «Оламнинг яратилиши», «Менинг севгилим, менинг севгим» деб номланган кинофильмлар бепул кўрсатилади. Алишер Навоий номли опера ва билет катта театрида классик ва замонавий қўшиқлар янграйди, рақслар жилоланади.

Бир сўз билан айтганда, ушбу тадбир баҳона икки ўзгача халқ бир-бири билан янада яқинлашади, санъат ва маданиятдан баҳраманд бўлади, бири иккинчисидан ўрганади. Г. ҲУСАНОВА, «Халқ сўзи» мухбири.

ЭЪЛОН Республикада олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш билан шуғулланувчи Фанлар Академияси, барча вазирликлар, идоралар, илмий муассасалар, олий ўқув юртлиари ва ташкилотлар раҳбарлари ҳамда аспирантлар диққатига!
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАН ВА ТЕХНИКА ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ
Ўзбекистон Республикаси Президентининг аспирантлар учун 1999 йилги Давлат стипендияларига 2-ўқув йили муваффақиятли тугатган 3-ўқув йили аспирантлари орасида танлов ўтказишни ҳамда даъвогарларнинг ҳужжатларини 1998 йилнинг 1 октябридан 20 октябргача қабул қилишни маълум қилади.
Танлов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 25 мартдаги «Ўзбекистон ўқувчи ёшларини тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида»ги 157-сонли қарорининг «Аспирантлар учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат стипендиялари ва уларни тайинлаш тартиби тўғрисида»ги Қизилмага асосан ўтказилади.
Фанлар Академияси, барча вазирликлар ва идоралар ўз тасарруфидаги илмий муассасалар, олий ўқув юртлиари ва ташкилотларнинг илмий кенгашлари қарорлари асосида тайёрланган коллегия тавсияномаларини аспирантларнинг ҳужжатлари билан биргаликда (2 нусхада) ЎЗР ФТДҚга 1998 йил 1 октябрдан 20 октябргача тақдим этишлари керак.
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Х. Сулаймонова кўчаси, 29-уй. Телефонлар: 139-16-50; 139-18-22.

ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН АКЦИОНЕРЛИК-ТИЖОРАТ «ПАХТА-БАНК» И
1998 - йилда ишда ахалига моддий жиҳатдан қўмақлашни мақсадида омонатдорнинг янги турларини тавсия этади:
— бошланғич миқдори ҳамда 2000 сўм бўлган «Оқ-оқтин» омонат тури. Муддати-6 ой. Йиллик тўлов миқдори-30 фоиз. Омонат қўйилган кўни ва кейинги ҳар ойда 2,5 фоиздан тўлов борилади;
— бошланғич миқдори ҳамда 1000 сўм бўлган «Пахтакор» омонат тури. Муддати-3 ой. Йиллик тўлов миқдори-25 фоиз.
«Пахта-банк» бўлимларида амалда бўлган омонат турларига 3.1.1.35.3 қуйидаги миқдорда фоиз ставкалари белгиланди:
— таъин қилиш вақтинчалик муддатга, йиллик тўлов миқдори - 10 фоиз;
— 6 ой муддатга, йиллик тўлов миқдори - 30 фоиз, бошланғич омонат миқдори ҳамда 1000 сўм;
— 12 ой муддатга, йиллик тўлов миқдори - 36 фоиз, бошланғич омонат миқдори ҳамда 2000 сўм;
— 1 йилдан 3 йилгача муддатга, йиллик тўлов миқдори - 40 фоиз;
— 3 йилдан 5 йилгача муддатга, йиллик тўлов миқдори - 45 фоиз.
Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунига мувофиқ «Пахта-банк» ўз мижозлари жамғармаларига оид маълумотлар сир сақлашнига кафолат беради.
Манзилимиз: 700096, Тошкент ш., Муқимий к., 43, тел.: 78-07-18, 78-20-11.

«Унефгазгазибчиқариш» давлат-акционерлик бирлашмаси раҳбарияти ва жамоаси бирлашманинг бош мутахассиси Р. Абдуллаевга уқаси Баҳром АБДУЛЛАЕВнинг бевақф вафот этганини муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.
«Мадал» сўгурта агентлиги жамоаси Жиззах вилояти филиали директори Анварбек Собиржоновга уқаси Хайрихон БУРҲОНОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

«МАҲАЛЛА» ПУЛ ЮТУҚЛИ ЛОТЕРЕЯСИНИНГ ТИРАЖИ
1998 ЙИЛ 24 СЕНТЯБРДА ТОШКЕНТДА ЎТҚАЗИЛАДИ.
Лотерея билетлари Халқ банкининг барча бўлим ва бўлимчаларида, маҳаллалар ва газета дўконларида сотилмоқда.
Билет 50 сўм, билет баҳоси.
Барчангизга омад тилаймиз!